Ушбу сонда:
2 ИЖТИМОИЙ КЎНИКМА МАРКАЗИДА
3 TV — ДАСТУРИ
4 УЛАР ШУ ЕРДА ДАВО ТОПИШДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
GAZETA 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 22 апрел, сешанба № 63 (1488)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## РУМИНИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Бобур Собиров).** Руминия Президенти Ион Илиеску 21 апрел куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Ўзбекистон Руминия билан 1995 йил октябрида расмий дипломатия муносабатлари ўрнатган. Халқларимизнинг иқтисодий-сиёсий, маданий алоқалари тарихи узоқ.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 1996 йил июнида бу давлатга расмий ташриф билан борган. Ўшанда икки давлатнинг келажакдаги ҳамкорлиги соҳаларини белгилаб берган қатор ҳужжатлар имзоланган. Ўтган йиллар мобайнида бу ҳужжатлар Ўзбекистон-Руминия ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Айни пайтда мамлакатларимиз пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, дори-дармон, нефт ва газ саноати соҳаларида кенг қамровли алоқаларни йўлга қўйган. Бундан ташқари, Ўзбекистон-Руминия ҳукуматлараро иқтисодий кенгаши ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ишбилармонлар ўртасида бевосита мулоқотни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ион Илиеску Руминия Президенти лавозимига илк бор 1990 йилда сайланган. 1996 йили у Социал-демократик партиядан сенатор бўлган. 2000 йил декабрида эса Руминия халқи уни иккинчи марта Президентликка сайлади.

Ион Илиескунинг мазкур ташрифи ҳамкорлик истиқболлари, алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган соҳаларни белгилаб олиш ва умуман Ўзбекистон-Руминия ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш учун хизмат қилиши шубҳасиз.

***ТОШКЕНТ, 21 апрел. (ЎзА мухбири Баҳор ХИДИРОВА). Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилар кенгашининг 4-5 май кунлари пойтахтимизда ўтадиган XII йиллик мажлисига тайёргарлик жараёни қизғин паллага кирди. Мазкур анжуман ҳамда шу кунлари ўтказиладиган бизнес форумга кўплаб мамлакатлардан ҳукумат делегациялари, нуфузли халқаро ташкилотлар, молия муассасалари вакиллари, таниқли сиёсатчилар, ишбилармонлар ва сармоядорлар, жамоат арбоблари ташриф буюради.***

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

- Уларни муносиб кутиб олиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, жумладан, маданият ва санъат соҳасидаги ютуқлар билан яқиндан таништиришга муҳим эътибор қаратилмоқда,- деди Маданият ишлари вазирлиги халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи Ш.КАРИМОВА ЎзА мухбирига. - Меҳмонларга маданиятимиз тарихи, унинг жаҳон цивилизацияси ривожида тутган ўрни, аждодлар анъаналарини давом эттириб, бугунги кунда бу жабҳада эришаётган ютуқларимизни намойиш этиш вазифаси зиммамизга катта масъулият юклайди. Шуни инобатга олган ҳолда меҳмонлар эътиборига ҳавола этиладиган маданий тадбирларимиз дастурини тузишда миллий мусиқий меросимизни кенгроқ тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Анжуман очилишига бағишлаб пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида ташкил этиладиган концерт дастурида фольклор-этнографик, мумтоз мусиқа санъатимиз намуналари ва замонавий эстрада қўшиқчилиги жанрида ижод этиб келаётган таниқли санъаткорларимиз, ёш ижрочиларга кенг ўрин ажратилади. Саҳна санъатимиз тарихи ва бугунини акс эттирадиган бадиий лавҳалар билан безатилади.




Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон академик рус драма театри, Ёшлар театри, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси жамоалари ҳам тадбир иштирокчилари учун ўзига хос туҳфа ҳозирламоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан пойтахтдаги Япон боғида махсус маросим ташкил этилади. Музейларимиз янги экспозициялар билан бойитилмоқда. Миллий ҳунармандлик анъаналари ва тасвирий санъатга оид кўргазмалар очиш ҳам режалаштирилган.

Меҳмонлар учун пойтахтимиздаги барча маданият ва санъат муассасаларида шу кунлари намойиш этиладиган томошалар дастури жамланган рисола инглиз тилида чоп этилади.

Анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ҳумо» театр фестивали томошалари халқаро анжуман ўтадиган кунларга тўғри келгани юртимизда маданият ва санъатни ривожлантириш борасида эришилаётган ютуқларни янада кенгроқ тарғиб этиш имконини беради.

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Тинчлик қўнғироғи» мажмуининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

## «ТИНЧЛИК ҚЎНҒИРОҒИ» МАЖМУИ ОЧИЛДИ

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов, Япониянинг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Кавато ва бошқалар тадбирда сўзга чиқиб, Ўзбекистон билан Кунчиқар мамлакат ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади. Бундай ҳамкорлик кўлами давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ўтган йили Японияга ташрифидан сўнг янада кенгаймоқда.

1945 йилнинг август ойида Хиросима ва Нагасаки шаҳарларининг бошига тушган кулфат бутун дунё аҳлини тинчликни ҳимоя қилишдек эзгу ният сари ҳамон сафарбар этаётир. Уруш каби мудҳиш фожеадан башариятни доимо огоҳ этиш мақсадида Тинчлик бонглари Кунчиқар мамлакатнинг талай шаҳарларида, шунингдек, Австралия, Германия, Канада, Туркия, Бразилия, Польша каби кўплаб давлатларнинг йирик шаҳарларида ўрнатилган. Улар осойишталик, тинч ҳаёт ва жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик, абадий биродарлик, ҳамжиҳатлик рамзи ҳисобланади.

Пойтахтимиздаги мажмуа мамлакатимиз раҳбарияти ҳамда Японияниг «Тинчлик қўнғироғи» ташкилоти ташаббуси билан бунёд этилди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, у Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчи бўлиб Ватанимиз пойтахтида қад ростлади.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАР

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти таркибидаги «Зумрад» шўъба корхонаси Швейцариядан келтирилаётган замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Ўрнатилаётган ускуналарнинг нархи икки ярим миллион АҚШ долларидан ошади.

Мутахассисларнинг фикрича, корхонага янги технологик линияларнинг ўрнатилиши маҳсулот сифатини оширади. «Бухоротекс»да ишлаб чиқариш жараёни ўзаро боғлиқлиги ҳисобга олинса, янги лойиҳанинг амалга ошиши йирик корхона учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлиши муқаррар.

**(ЎзА).**





*Истиқлол берган имкон*

## АКЦИЯ ПАКЕТЛАРИ

### очиқ савдога чиқарилди

Мамлакатимизда фосфорли ўғит ишлаб чиқарувчи учта йирик корхона бор. Шулардан бири Олмалиқдаги «Аммофос» очиқ акциядорлик жамиятидир. Шу йилнинг ўтган уч ойида олмалиқлик кимёгарлар истеъмолчиларга 52 минг 395 тонна фосфорли аммофос етказиб берди. Бу шартномадагидан салкам беш минг тоннага кўп бўлиб, республика бўйича тайёрланган ана шундай ўғитнинг саксон фоизидан ошиқроғини ташкил этади.

- Меъёрида, ернинг таркибига қараб солинган азотли ўғитлар экиннинг ўсишига ёрдам берса, бизнинг фосфорли ўғитларимиз уларнинг ҳосилини кўпайтиради, - дейди корхона бош муҳандисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Баҳодир Содиқов. - Биз ишлаб чиқараётган минерал ўғитлар таркибида барча озиқ моддалари мавжуд. Шу боисдан ҳам улардан нафақат мамлакатимиз, балки бошқа минтақаларда, ҳар қандай тупроқ шароитида, барча экинларини озиқлантиришда фойдаланиш мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, фосфор конлари дунёда унчалик кўп эмас. Таркибида 31 фоиз фосфор унсури бор конларгина жаҳон амалиётида истиқболли ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, Қизилқум сарҳадларидан топилган кон анча бой бўлиб, Олмалиқ кимёгарлари учун бу айни муддао. Ўтган йили корхонада 145 минг тонна соф ҳолда фосфорли ўғит ишлаб чиқарилган бўлса, шунинг 118 минг тоннаси ана шу маҳаллий хомашёдан тайёрланди. Айни чоғда бу улуш тобора ортиб бормоқда. Бошқача айтганда, бугунги кунда корхонани маҳаллий фосфор уни билан таъминлаш даражаси 85 фоизга етди.

Яна бир гап. Корхонада мулк шакли ўзгартирилди. У очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилиб, акция пакетларининг катта қисми очиқ савдога чиқарилди. Бу эса хорижий инвесторлар иштирокида мавжуд технологияни замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, маҳсулот турларини янада кўпайтириш имконини беради.

**Неъматжон ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.**
**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ФАХРИЙЛАРГА ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Бухоро вилоят қўмитаси фарзандларимиз камолоти йўлида камарбасталик қилаётган зиёлилар ҳурмат-эътиборини жойига қўйишга астойдил интилмоқда. Ана шу мақсадда турли-туман кечалар, мароқли учрашувлар, ажойиб дилтортар тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган ана шундай тадбирларнинг бирида вилоятнинг барча бурчакларидан зиёли хотин-қизлар вакиллари иштирок этдилар.

Даврада суҳбат авжига чиқди. Ширин тилак ва истаклар дилрабо куй-қўшиқларга уланди. Бир гуруҳ фаолларга, меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

**Н.УСМОНОВ.**

*Ислоҳот мевалари*

## ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАР

### корхона ҳисобидан

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сув, газ, иссиқлик манбаидан тежаб-тергаб фойдаланиш тўғрисида гапирилганди.

— Ўтган йилги ҳукуматимизнинг қарорида, - дея ўз фикрларини баён қилади «Бухорогазтаъминот» шуъба корхонаси раҳбари Аҳад Ҳайдаров, - кўплаб регионлар қатори Бухоро вилоятида ҳам коммунал тўловлар ҳамда ўлчов асбобларини ўрнатиш юзасидан олиб борилган ишлар қониқарсиз, деб топилганди. Ўшанда бизнинг жамоа шаънига ҳам анчагина гаплар айтилганди. Танқиддан тегишли хулоса чиқариб, иш юритишга ҳаракат қилинди. Натижада орадан озгина вақт ўтар-ўтмас ишимизда ўнгланиш сезилди.

Ҳа, ташкилотчилик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлаш ўз самарасини бера бошлади. Хусусан ўтган йил вилоят бўйича 42766 та газ ўлчагич асбоблари ўрнатилди.

«Вобкентгазтаъминот» корхонаси бу борада пешқадамликни қўлга киритди. Туманда ўтган 5-6 ой давомида газ ўлчаш асбоблари ўрнатилган хонадон, ташкилот, корхона, муассаса ҳамда идоралар сони 10 мингтадан ошиб кетди. Ёхуд ҳар ўнта хонадондан 6-7таси бугунги кунга келиб бундай мосламага эга. Шу ҳисобдан тежалган қимматли ёқилғи салмоғини пулга чақадиган бўлсак, 10 миллион сўмдан ҳам ошиб кетиши тайин.

Шофирконда белгиланган режанинг ярмиси уддаланиб, йиллик маррани истиқлол байрамигача бажариш ҳаракати бошлаб юборилди.

— Аҳоли шароитини ўрганиб чиқиб, кредит маблағлари эвазига бундай ускуналарни ўрнатиш йўлга қўйилди. Ана шу йўл билан бултур аҳолига 26910дона газ ўлчагичлари етказиб берилди.

Бухорода кенг қулоч ёйган бир тажриба хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Вобкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги, Бухоро электр тармоқлари каби корхоналар раҳбарияти ходимларга ўз маблағлари ҳисобидан газ ўлчагичлар ўрнатишга киришдилар.

**Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

## ҚАРОРИ

### ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРНИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқариш принципларини янада жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Қуйидагилар:

Акциядорлик жамиятининг кузатувчи кенгаши тўғрисидаги Намунавий низом;

Давлатнинг акциядорлик жамиятларидаги ишончли вакили тўғрисидаги Низом;

Бошқарувчи компаниялар тўғрисидаги Низом;

Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг раҳбарини ёллаш тўғрисидаги Намунавий меҳнат шартномаси тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2003 йил 1 июлгача бўлган муддатда уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, бошқа хўжалик бирлашмаларининг таъсис ҳужжатларини Президентнинг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармони талабларига мувофиқлаштирсинлар, бунда уларнинг таркибига кирувчи корхоналарнинг амалий фаолиятига асоссиз аралашиш имконини берувчи қоидалар истисно этилишини назарда тутсинлар.

Зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасига ҳукуматнинг алоҳида хўжалик бирлашмалари фаолиятини ташкил этиш масалаларини тартибга солувчи қарорларига ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар тақдим этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

2003-2004 йилларда акциялар (улушлар, пайлар)-нинг давлат пакетларини танлов асосида профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга босқичма-босқич бериш жадвалини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2003 йил 1 июлгача мулкида давлат улуши 26 фоизни ва ундан кўпроқни ташкил этадиган акциядорлик жамиятларининг давлат активларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари билан акциядорлик жамиятлари профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга берилган муддатгача амал қиладиган шартномалар тузсин;

зарурат бўлганда акциядорлик жамиятларининг устав фондидаги 25 фоиз ва ундан кам миқдордаги давлат активларини бошқариш юзасидан ишончли бошқарувчилар билан тузилган шартномаларни Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорига мувофиқ улар биржа ва биржадан ташқари бозорларда тўлиқ сотилгунгача бўлган даврга узайтирсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

тафтиш комиссияси аъзолари ўз фаолиятининг уларнинг ушбу акциядорлик жамиятларидаги ёллаш бўйича меҳнат фаолияти билан бирга қўшиб олиб борилишига йўл қўйилмайди;

акциялар (улушлар, пайлар)нинг давлат пакетлари қийматини баҳолаш, якка тартибдаги лойиҳалар бўйича хусусийлаштириладиган корхоналардан ташқари, баҳолаш ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва уларни сотишда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан бошланғич нарх сифатида белгиланади;

акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларини бошқариш харажатлари акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларига ҳисобланган дивидендларнинг бир қисми ҳисобига, улар бўлмаган тақдирда эса - давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда давлат активларини бошқариш хизматларига ҳақ тўлаш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

5. Белгилансинки, 2003 йил 1 февралдаги ҳолатига кўра устав фонди Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 50 минг АҚШ долларидан кам миқдорда бўлган илгари ташкил этилган акциядорлик жамиятлари 2004 йил 1 январгача ўз устав фондларини қайта рўйхатдан ўтказиш санасида кўрсатиб ўтилган суммадан кам бўлмаган миқдорга келтиришлари ёхуд белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга айлантирилиши шарт.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 19 апрел

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясининг очилиши тўғрисида

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 2003 йил 24 апрел куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 23 апрел куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.*

**Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига**

*Олий Мажлисда 22 апрел куни соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 22 апрел куни соат 15.00 да бўлади.*

*Олий Мажлисда 23 апрел куни соат 13.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.*

*Нукуснинг 70 йиллиги олдидан*

# АМУ БЎЙИДА ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ШАҲАР

***Қорақолпоқ халқининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Унинг пойтахти Нукус шаҳри эса Аму бўйидаги энг кенжа шаҳарлардан бири саналади. Нукус шаҳри ўрнида ва унинг атрофларида Қорақалпоқларнинг Нокис уруғи келиб ўтроқлашади ва муқим яшай бошлайди. «Нукус» атамаси жой номи сифатида XVIII асргача Амударё, Оролбўйи дельтасининг сўл соҳилида кўрсатиб келинган бўлса, ҳозирга келиб дельтанинг ўнг қирғоғида Республика пойтахти сифатида шаклланган.***

Нукус ўтган асрнинг 30-йиллар бошида шаҳар мақомини олди. Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда у ерда амалга оширилиши лозим бўлган бунёдкорлик ишларининг биринчи босқичи ниҳоясига етказилди. 1965 йилга келиб эса ёш шаҳарнинг бош режаси тасдиқланиб, бош меъмор А.Эркабоев, муҳандис Т.Зияев, Е.Видекин, Э.Леннешмид бошчилигида кўплаб маъмурий бинолар, турар жойлар, хиёбонлар шаҳар кўркига кўрк қўша бошлади.

Ҳозирга келиб мустақиллик шарофати ила Нукус шаҳри Қорақалпоғистоннинг энг йирик маъмурий, саноатлашган илмий- маданий марказига айланди. Шаҳарнинг умумий майдони 200 квадрат километрни ташкил этади. Аҳолиси 259,6 минг нафардан иборат.

Ҳозирда шаҳарида 100 дан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Айниқса металлсозлик, қурилиш ашёлари, озиқ-овқат, ёғочсозлик ва матбаа саноати кенг тараққий этган бўлиб, уларнинг кўпчилиги АҚШ, Япония, Хитой,Корея,Германия, Англия, Украина, Саудия Арабистони, Россия сингари кўплаб мамлакатлардаги шериклари билан мустаҳкам самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Шаҳар аҳолиси «Уздунробита», «Ўзбек-Америка» қўшма корхонаси уяли телефонларининг замонавий алоқа тармоғи хизматидан фойдаланиб келмоқда.

«Нукус Қорақалпоқлар билан ёнма-ён кўплаб бошқа миллатлар ва элатлар вакиллари яшаётган ва меҳнат қилаётган ажойиб навқирон шаҳар. Улар умумий саъй-ҳаракатлари билан бу ажойиб дўстлик ва қардошлик шаҳрини бунёд этдилар», – деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислом Каримов Нукус қалъасига ташрифларининг бирида.

Шаҳарнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида ва маданий ҳаётидаги алоҳида аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда Нукус шаҳри ташкил топганига 70 йил тўлиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 8 майда «Нукус шаҳрининг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида» қарор қабул қилди. Шу муносабат билан Республикамиз Президенти ташаббуси билан бу ердаги санъат музейи қурилиши тугалланишига ва амфитеатр қурилишига 870 миллион сўм, биринчи республика касалхонасини реконструкция қилишнинг биринчи навбатини амалга оширишга Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан 350 миллион сўм миқдорида капитал қўйилмаларнинг қўшимча лимити ажратилди.

Қарор қабул қилингандан кейин нукусликлар катта миқёсда бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар. Айниқса, «Обод маҳалла йили»да қувончли ўзгаришлар кўзга яққолроқ ташланяпти. Яқинда шаҳар аҳолисини турар жойга бўлган талабини янада тўлароқ қондириш мақсадида 5 қаватлик 20 хонали 2 та, 32 хонали 1 та турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. Ташландиқ ҳолга келиб қолган «Дўстлик» хиёбони энди киши ҳавасини келтиради.

Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Асосийси шаҳар аҳли яратувчанлик руҳи билан яшаяпти.

**Болтабой ЭРНАФАСОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



Навоий вилояти дори-дармон давлат акционерлик жамиятига қарашли «Авицена» савдо ишлаб чиқариш корхонасида малакали ишчи-хизматчилар хизмат қилмоқда. Ҳозирда бу ерда 50 хилдан зиёд дори-дармонлар ишлаб чиқарилмоқда.

***Суратларда: илғор ишчилар Гулсара Азимова, Бибизиёда Маликова***

**И.ХАСАНОВ**
**олган суратлар**



***Жануб вилояти пиллакорлари ипак қурти парваришини бошлади. Сурхонда ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам тут дарахти барги бирмунча яхши ривожланади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Қарийб 2 минг 700 гектарлик тутзорларда барг ипак қуртларига озуқа бўладиган даражага етди.***

## СУРХОНЛИК ПИЛЛАКОРЛАР ИШГА КИРИШДИ

Сурхондарёлик пиллакорлар бу йил 990 тонна пилла етиштиради. Андижон ва Бухородаги ипак қурти уруғи тайёрловчи корхоналардан «Андижон-3», «Андижон-4», «Ўзбекча-5», «Ўзбекча-6», «Титрогибрид-3» уруғларидан 21,5 минг қути келтирилиб, махсус иссиқхоналарда жонлантирилди ва пиллакорларга тарқатиб берилди. Икки томонлама тузилган шартномаларга кўра тайёрлов идоралари ипак қуртини парваришлаётган хонадонлар ва фермер хўжаликларини керакли нарсалар билан таъминламоқда.

**(ЎзА).**

*Ҳокимлик ва касаба уюшма ҳамкорлиги*

# ИЖТИМОИЙ КЎНИКМА МАРКАЗИДА

Хўжаобод тумани ҳокимлиги кундалик фаолиятини инсон омили билан уйғунлаштириб юритишга одатланган. Шу боис яқинда бўлиб ўтган маслаҳат кенгашида ҳам янги иш ўринлари яратиш, ногиронларни фаол ҳаётга қайтариш, ёшларни тарбияси муҳокамадан ўтказилди.

Туман прокурори Абдумалик Мирзаабдуллаевнинг ногиронларни ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи қонунлар ижроси тўғрисидаги ахбороти йиғилиш қатнашчиларнинг диққатини тортди. Ҳоким ўринбосари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси раиси Абдуваҳоб Нишоновнинг ҳисоботи мунозараларга сабаб бўлди.

Туманда «Обод маҳалла йили» муносабати билан касаба уюшмалари ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги эътироф этилди. Чунки 90 минг нафарга яқин аҳолининг қарийб 40 минг нафарини ёшлар ташкил қилади. Меҳрибонлик уйларида 3 минг нафарга яқин болалар тарбияланмоқда. Футбол ўйингоҳлари, спорт заллари, кураш майдонларида шуғулланаётган ишқибозларнинг аксарияти қишлоқ ёшларидир. Шунинг учун ёшлар тарбиясига йиғилган ўртача 206 миллион сўмдан зиёд пул маблағлари сарфланмоқда.

Гап вояга етмаган ёшлар назоратига кўчади. Айниқса, «Гулистон» маҳалла ҳудудида яшовчи ўсмир Мирхалим Эрматовнинг оиладаги тарбияси ҳақида комиссия раисига қаттиқ талаблар қўйилди. Унинг Андижон шаҳрида мақсадсиз дайдиб юрганида, шаҳар патрул хизмати ходимлари томонидан ушланганлигидан ҳокимлик хабардор эди. Дарҳақиқат, ўқимай-ишламай юрган ёшларни жамоатчилик ўз бағрига олиши керак. Кенгаш комиссия раисига назоратдан четда қолган ёшларни аниқлаш, уларни ишга жойлаштириш, касб-ҳунарга тайёрлаш ишларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда таъсирчан чоралар кўришни топширди.

Туманда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги «Ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бўйича бир мунча ишлар қилинди. Биз яқинда туманнинг ижтимоий кўникма марказида бўлдик.

Икки қаватли маҳобатли бинода болаларнинг қувноқ чуғури қулоғимизга чалинди. Шоҳмот-шашка тўгарагида дона сураётган ишқибоз болалар баҳсини кузатдик. Мусиқа хонасидан рубоб садолари янграб турарди. Хоналар тоза ва ораста. Бу ерда 10 тага яқин фан тўгараклари ишлаб турибди. Уларда 224 нафар ёшлар шуғулланмоқда. Бу ерда болалар нафақат илм ўрганиш, балки соғлигини текширишдан ўтказиш, тиббий муолажа олиши, касб-ҳунар эгаллаши, тил ўрганиши мумкин.

Айниқса, ногирон болаларни соғлигини тиклаб, фаол ҳаётга қайтариш бўйича хайрли ишлар қилинмоқда. Ҳафтанинг маълум кунларида болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, касаллик даражасига қараб, вилоят ва тумандаги соғлиқни сақлаш муассасаларига йўлланмалар берилади. Мураббийлар оилаларнинг турмуш маданиятини ҳам назорат қилиб боряптилар. Руҳшунос педагог Неъматхон Йўлдошева, педиатор Наргизахон Раҳмонова, ўқитувчилардан Муборакхон Абдураззоқовалар хонадонларнинг азиз меҳмони. Бир пиёла чой устида «оила гигиенаси», «ёшларни никоҳга тайёрлаш», «гиёҳвандлик офати», «аёл – уйнинг зийнати» мавзуида савол-жавоблар ўтказиш, сўнгра хонадон соҳибларини тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби мавжуд. Масалан, Хўжаобод шаҳарлик ўсмир Сардор Рашидов гепатитга чалиниб, икки йил ётиб қолади. Педиатр Наргизахон Раҳмонова, ўқитувчи Шаҳзодахон Исақова беморнинг хонадонидан қадамларини узмайдилар. Бири болакайнинг дардига дори-дармон билан малҳам бўлса, иккинчиси илм зиёси билан билимини чуқурлаштиради. Ҳозир Сардор 1-мактабда тенгдошлари қаторида 4-синфда ўқишни давом эттиряпти. Шаҳардаги «Бўстон» маҳалласида истиқомат қилувчи Гулноза Йўлдошева тақдирнинг зайли билан тўшакка михланиб қолганди. Меҳридарё тиббиёт ходимлари, мураббийлар ташрифи билан ўсмир қиз шифо топди. Гулноза бугун фаол ҳаётга қайтган. Устозлардан каштачилик сирларини ўрганди. Кундузи мактабга қатнаб, кечалари сузана палак тикади. Унинг қўлидаги сайқал топган гулдор қийиқлар, жойномозлар маҳалла гузорида харидоргир.

Акрамжон Қорабоев бошлиқ васийлик ва ҳомийлик бўлими марказга оталиқ қиларкан. Ота-онасидан айрилган 200 нафардан зиёд бола ҳокимлик қарори билан оилаларга фарзандликка берилган. Уларнинг аксарияти марказнинг фан тўгаракларига жалб этилган. Болалар ўртасида ёш истеъдодларни аниқлаш юзасидан кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланган.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ибрат*

## МАКТАБЛАРГА ҲОМИЙЛАР ЁРДАМИ

***Ҳар бир корхона ёки ташкилотнинг юксалиши ривожланиши албатта, ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитга боғлиқ. Бу юмушни амалга оширишда касаба уюшмаларининг фаолияти алоҳида ўрин тутади.***

Агарда шу маънода фикр юритадиган бўлсак, Паркент тумани халқ таълими бўлимида диққатга сазовор тадбирлар ўтказилаётганини кўрамиз. Бугунги кунда туман халқ таълими бўлими касаба уюшма қўмитасига 4167 нафар педагог-ходимлар уюшган. Қўмита ўз иш фаолиятини аниқ белгиланган тартибда олиб боряпти. Ўқитувчи ва ходимларга яхши меҳнат шароитини яратиш, спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлаш, соғломлаштириш ишларини ташкиллаштириш, тантана ва маросимларни ўтказиш, меҳр-саховат кўрсатиш каби хизматлар шулар жумласидандир.

Шу кунгача туман ХТБ тасарруфидаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида меҳнат қилаётган зиёлилардан 38 нафари турли сиҳатгоҳларда соғлиқларини тиклаб қайтдилар. Спорт мусобақаларида иштирок этган ғолибларга 500 минг сўмлик қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бундан ташқари узоқ йиллар маориф соҳасида самарали ишлаган устозларни нафақага кузатиш маросимлари ҳам ўтказиб борилмоқда. Нафақадаги ўқитувчилар эса байрам айёмларида бир пиёла чойга таклиф этилиб, концерт номерлари ташкил этиляпти.

Яқинда ана шундай ибратли тадбирлардан бири бўлиб ўтди. 120 нафардан ортиқ таклиф этилган устоз-мураббийлар кўрсатилган иззат-икромдан беҳад хурсанд бўлишди.

Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, туман фан ва таълим ходимлари касаба уюшма қўмитасининг барча ўтказаётган тадбирлари саховатпарвар ҳомийларнинг ёрдами туфайли бўляпти. Туман ҳокими раҳбарлигидаги «Паркент», «Сўқоқ», «Бойқозон», «Заркент», ширкат хўжаликлари ва «Паркент» деҳқон бозори мутасаддилари ўқув масканларига ўзларининг беминнат ёрдамларини аяшмаяпти.

**Абдузуҳур**
**ҚОРАБОЕВ.**

## ҚЎЛИГУЛ ҚИЗЛАР

***“Моҳира” хусусий ўқув марказида ўтган йили 200 дан зиёд қизлар турли ҳунарларни ўрганишди. Ёшлар турли ҳунарлар ўрганиш билан чекланиб қолмасдан оила ва турмуш сабоқларини ҳам олишаётир. Бу қизлар турли овқатлар, қандолат маҳсулотлари тайёрлашни, чақалоқлар парваришини ҳам пухта билишади.***

Бундан саккиз йил муқаддам гулистонлик Отаевлар томонидан ташкил этилган марказ дастлаб тикувчилар тайёрлаш билан шуғулланди. Шу мақсадда бир неча тикув машиналари сотиб олинди, ўқув синфлари, ётоқхона жиҳозланди. Таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг асосий қисми олис қишлоқлардан келишган қизлар эди. Дастлабки йилларда бу ерда ўнлаб тикувчилар тайёрланди. Ўқув маркази анча танилиб, ўқувчилар сони ҳам ошди.

Кейинчалик “Моҳира”да қизлар зардўзлик, болалар ўйинчоқлари, пойафзал, бош кийимлари тайёрлашга ҳам ўқитила бошланди. Яқинда бу ерда компьютер синфи очилди.

Марказ битирувчиларига диплом берилади. Шуниси диққатга сазоворки бу даргоҳни битириб чиққанларнинг кўпчилиги ўз жойларига бориб, устахона очишга муваффақ бўлди.

**“Туркистон-пресс”**

*Мустақиллик иншоотлари*

# «СЎҒДИЁНА» ВОҲАНИ НУРГА ЧУЛҒАЙДИ

**Ургутда янги электр станцияси бунёд этилмоқда**

Шундоққина тоғ этагида, Ургут туманидаги «Бойқишлоқ» қишлоғининг юқорисида «Сўғдиёна» кичик электр станцияси қурилиши жадал давом этаяпти. Аслида бу ишга бундан ўн-ўнбеш йиллар илгари қўл урилганди. Аммо баъзи тушунуксиз сабабларга кўра у қолиб кетган эди. Фақат ўтган йили ушбу электр станцияси қурилиши қайта бошланди. У республика аҳамиятига молик йирик қурилишга айлантирилди. Иншоотдаги бунёдкорлик ишларини Тошкент шаҳридаги 4-монтаж бошқармаси бош пудратчи сифатида ўз зиммасига олди. Умумий раҳбарлик Самарқанд вилоят магистрал электр тармоқлари идорасига топширилди.

Айни вақтда Самарқанд, Навоий, Жиззах, Бухоро вилоятлари аҳолиси мазкур қурилишга катта умид боғлашган. Чунки бу вилоятларда электр таъминотини яхшилаш нуқтаи назаридан бу иншоотнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

– Нафақат вилоятда, балки республикада ҳам ягона бу иншоотни тиклашдан мақсад электр қувватига эҳтиёжини тўлароқ қондиришдан иборат, - дейди қурилиш бошлиғи вазифасини бажарувчи Омон Исмоилов. – бошқача айтганда, Навоий, Жиззах, Бухоро вилоятларидаги электр тақчиллигига барҳам берилади. Умуман қурилишга давлат бюджетидан 2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Зарур электр ускуналари Тошкентдаги «Siemens» фирмаси орқали Германиядан келтирилмоқда. Россиядан эса 3 та трансформатор олиш режалаштирилган.

Ҳозир бу ер катта қурилиш майдонига айланган. Ҳар куни юзлаб техникалар, турли вилоятлардан келган 6 та механизациялашган кўчма жамланма ишчилари узлуксиз ишлаб турибди. Қурувчилар тезкор бошқарув биносини ҳам тиклаб қўйишди. Кун сайин иш суръати жадаллаб бормоқда. Тошкентдаги 4-монтаж бошқармаси, «Тошмехсервис», Фарғонадаги 47-механизациялашган кўчма жамланма ишчилари бошқармага ўрнак бўлишаяпти. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли Рудакий-Самарқанд, Сувли-Самарқанд электр тармоқларини тортиш ниҳоясига етаяпти. Булардан бири Хишрав ГЭСига уланади. Иккинчиси Бухорога ўтиб кетади. Айни вақтда Самарқанд-Жиззах тармоғида симёғочлар ўрнатилаяпти.

Электр станция ишга тушса, бу ерда 200 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Шуни ҳисобга олиб станция яқинида уй-жой қуриш ҳам бошлаб юборилди. Бу биноларни Ургут туман қурувчилари амалга оширмоқда.

Хуллас, Ургутдаги «Сўғдиёна» кичик электр станцияси қурилишида иш қизғин. Негаки, уни Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрамига ишга тушириш мўлжалланган.

**Рустам ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ХОРИЖНИКИДАН АРЗОН, СИФАТЛИ

Наманганадаги “Ўзэлектротерим” заводи қошида Москванинг “Элвес” фирмаси билан ҳамкорликда “Намштрих-М” қўшма корхонаси ташкил этилиб, савдо тармоқлари учун зарур касса аппаратлари ишлаб чиқарила бошланди.

Хорижникидан анча арзон ва сифатли бу маҳсулотдан ҳозиргача 500та тайёрланиб сотувга чиқарилди. Корхона ичидаги корхонада электр тарозилар тайёрлаш ҳам бошлаб юборилди. Банкротликка қараб кетаётган “Ўзэлектротерим” заводига 2000 йил бошида Абдуқаҳҳор Ғаффоров директор этиб тайинланди. Аҳволни ўнглаш учун санация жорий этилди. Завод акциядорлик жамиятига айлантирилди. Янги раҳбар тажрибали мутахассисларга суянди. Ишни янгича услубга ўтказишга қарор қилинди. Корхона қошида 8 та шуъба корхонаси ташкил этилди. Бу маҳсулот ҳажмининг кескин ошишига имкон яратди.

“Ўзбекистон темир йўллари” корпорацияси учун трансформаторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Илгари бундай маҳсулот катта маблағ эвазига хориждан сотиб олинарди. Мутахассисларни изланишлари туфайли ялпи маҳсулотнинг 62 фоизи янги русумда тайёрланмоқда. Шунинг учун ҳам ўтган йили кўзда тутилган 33 миллион ўрнига 35 миллион сўм соф фойда кўрилди. Йил давомида 327,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2001 йилдагига нисбатан маҳсулот ҳажми 102,4 фоизга ортди.

Бу йил буюртмачилар билан 470 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш учун шартнома тузилди. Яқинда Туркманистондан турли русумдаги трансформаторлар етказиб бериш учун буюртма олинди.

Корхонада бугунги кунда 400 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Паррандачилик саноати учун шамоллатгичлар, инкубаториялар учун брудерлар, нон пиширгичлар, сув иситиш қозонлари, электр дазмол трансформаторлар ҳамда спорт анжомлари каби янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

- Бу йил 80 фоиз маҳсулотимизни янги турда чиқарамиз, - деди корхона бош раҳбари Абдуқаҳҳор Ғаффоров "Туркистон-пресс" мухбирига. - Биринчи чорак режасини 146,5 фоизга бажардик. Бу 350 нафар аҳил жамоамизнинг меҳнат самарасидир.

**“Туркистон-пресс”.**

Нукус шаҳрининг 70 йиллик юбилейи муносабати билан қурилиб, фойдаланишга топширилган «Ойдин йўл» ёпиқ бозорида янги ярмарка очилди.

## «ОЙДИН ЙЎЛ»ДА БАҲОР ЯРМАРКАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг махсус қарорига биноан 21-27 апрель кунлари ўтадиган ушбу тадбирда асосан «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционерлик компанияси, «Ўзбекипаги», «Ўзмаҳаллийсаноат», «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаларининг ҳудудий корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдоси ташкил этилган.

*Ўз ўрнини топган кишилар*

# ДЕҲҚОНЛАР ҲУЗУРИДА

Ҳожар Кенжаевани бир дунё ташвишни елкасига кўтариб юрадиган инсон сифатида қадрлашади. Ўта меҳрибон, самимий. Бойсун туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг раиси сифатида 11 йилдан буён фаолият кўрсатади. Опа билан суҳбатлашсангиз кўнглингиз чароғон тортади.

– Одамлар манфаати учун ишлаш, уларга меҳр улашиш албатта кишидан сабр-тоқат ва матонат талаб қилади. Ҳеч чарчаган вақтларингиз ҳам бўладими? - сўрайман суҳбатдошимдан.

– Ростини айтайми, кунига беш-олти чақирим йўл босиб чарчамайману, баъзи гапёқмас етакчилар эътиборини ишчи-хизматчилар манфаатига йўналтиргунча ўзимда хорғинлик сезаман. Биламан, ҳозир ҳаммага қийин. Ҳар бир тийин ҳисоб-китобли. Ишлаб топилган ҳар бир сўмнинг қиймати нечоғлик қадрли эканлигини инкор этмайман. Лекин ушбу сўмлар замирида умумга тегишли шундай улуш борки, уни албатта ишчи-хизматчиларнинг манфаати учун сарфлаш керак.

– Яъни...

– Яъни, меҳнат аҳли олаётган ойлик маошидан ташқари турмушига ҳам моддий, ҳам маънавий туртки бўладиган, ҳаётга нисбатан завқини оширадиган қўшимча маблағ яна қанчадан-қанча эзгуликларни етаклаб келишини унутмаслигимиз даркор.

Ҳозир Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасига 21 та бошланғич ташкилот бирлашган. Уларнинг 10 таси ширкат хўжаликларига тегишли. Касаба уюшмалари ишини ташкил этишда бизга даставвал йил бошида тузилган шартномалар жуда-жуда асқотмоқда. Ундан кейин турли мавзудаги тадбирлар фаолиятимиз учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Вақти-вақти билан шартнома шартларининг бажарилишини назоратдан ўтказиб, йиғилишларда муҳокама этиб борамиз. Барча ҳаракатларимиз замирида 3618 нафар касаба уюшма аъзосининг манфаатини ҳимоя қилиш, ғамхўрлик кўрсатиш ётибди. Уларнинг ўртача иш ҳақи ҳали кутилган даражада бўлмасада, касаба уюшма томонидан ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 5804 сўмга ошди. Биргина «Бойсун» ширкат хўжалиги касаба уюшмаси томонидан 5,2, «Работ» ва «Ғайрат» ширкат хўжаликлари бўйича 3 миллион сўмлик маблағ ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги учун берилди. Бошқа ширкат хўжаликлари ва мажмуамизга тегишли корхоналар фаолиятида ҳам касаба уюшманинг ўрни яққол сезилмоқда.

Турли саналарга бағишланган тадбирларда ҳам бу йўналишда талай ишлар қилинаётган бўлса, керак?

– Бу одатий ҳол. Наврўзни ким севмайди! Наврўз қандай қилиб спорт беллашувларисиз, азалий қадриятларимизни намоён этмай ўтсин? Шу йилнинг ўзида ана шу қадимий айём қизиқарли ўтиши учун касаба уюшма 3 миллион сўмга яқин маблағ сарфлади. Бундан ташқари «Обод маҳалла йили» муносабати билан ўтказилиши керак бўлган анчагина ишлар кутиб турибди. Лекин бизнинг ҳозирги эътиборимиз болажонларимизга қаратилган. Ҳадемай ўқувчилар жонажон мактаблари билан хайрлашиб, ёзги таътилга йўл оладилар. Уларнинг кўнгилли дам олишларига биз ҳам масъулмиз. Шу йилнинг ўзида 300 нафар болажонларимиз ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш ҳаракатидамиз.

**Суҳбатдош: Алишер РАҲМОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

